



Кучли таквosi ва нихоятда адолат билан иш юритгани учун Ислom тарихида «Иккинчи Умар» номини олган Умар ибн Абдулазиз хукмронлиги даврини баъзан Хулафои рошидин (тўғри йўлдаги тўрт халифа) замони билан киёслашади. У хижрий 99-101 (милодий 718-720) йиллари Ислom давлатига рахбарлик килди. Мусулмон тарихчилари маълумотларига кўра, у узок йиллар ислomий билимларни, айникса фикхни ўрганди. Халифа Валид даврида у Мадина волийи (хокими) эди, Сулаймон ибн Абдулмалик эса уни ўзига ворис килиб тайинлади. Волийлиги охиригача у барча умавийларга хос бўлган хаёт тарзини танлади: хою хашамни ёктирар, ноёб кийимлар кияр эди. Бирок Мадинадаги хокимлигининг охириги ойларида бирдан ўзгариб колди. Хаётидаги бу ўзгаришга бир фожиага иштирокчи бўлиб колганини сабаб килиб кўрсатишади. Халифа Валид ибн Абдулмалик волийга собик халифа Абдуллох ибн Зубайрнинг ўгли Хубайбни каттик жазолашни буюради. Буйрукни бажаришга киришган Умар ибн Абдулазиз уни дарахтга боглаб кўйишни топширади. Кейин махбус устидан совук сув куйиб, киш куни масжид ховлисида банди холда колдиришади. Хубайб кийноклардан ўлиб колади. Ислom тарихчилари хабар беришларича, Хубайб вафотидан кейин Абдулазиз ўзини кўйгани жой тополмай колади. У тинмай тавба-тазаррулар килар, Хубайбга аза чекар, куну тунини ибодат билан ўтказар эди. Амалда у ўзининг бевосита вазифаларини адо этишни хам эсдан чикаради. Бироз вақт ўтганидан кейин эса, истеъфога чикиб, Шомга кетиб колади. У ерда зуҳд ва такво билан хаёт кечирди, одамларга панду насихатлар килди, халифаларга маслахатлар бериб турди, хатто улардан адолатсиз хукмдорларни жазолашни талаб этди. У амалдорларни халкка адолат килишга, Аллох олдидаги масъулиятларини хамиша эсда тутишга чакирди. Оила аъзоларининг байтулмолдан (давлат хазинасидан) олган барча маблагларини жойига кайтаришни талаб этди. Хатто хотини Фотима олдида шарт хам кўйди: ё олтин ва кимматбахо тошлардан ясалган маржонингни хазинага топширасан ёки сен билан ажарашаман. Фотима маржонни хазинага топширди. Халифа этиб тайинлангач, Умар оилавий харажатларини кескин камайтирди. У байтулмолдан ҳеч нарса олмасликка касам ичди ва Сувайддаги (Шом якинидаги мавзе) еридан келадиган икки юз динор микдоридаги йиллик даромад хисобига хаёт кечирди. Харбий юришлардан келадиган ўлжадан бирор дирхам (кумуш пул) хам олмас эди. Иш шунга бориб етдики, атрофидагилар унга тўғри йўлдаги халифа Умар (яъни, боболари) хам ўта такволи, иймонли ва адолатпарвар бўлганлари холда давлат хазинасидан бироз нафака олиб турганларини эслатишди. Бунга у Умар ибн

Хаттобнинг ҳеч қандай мол-мулки бўлмаганини, ўзида эса мулк борлигини рўқач килди. Иккинчи Умар ўз фукароларига эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини берди, мусофирлар учун қарвонсаройлар қурдирди, қўплаб қудуқлар қазитди, йўллар чиқарди. У ўтказган иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолининг яшаш даражаси анча ошди – халифалик ҳудудида бирорта ҳам қашшоқ қолмади. Кишилар турмуши шунчалик яхшиландики, қасот оладиган одам ҳам топилмай қолди. У давлат амалдорларининг хизмат вазифаларини суиистеъмол қилмасликлари, пора олмасликлари, давлат хазинасидан ўмармасликлари ва тамаъгир бўлмасликлари учун улар маошини оширди. Умар ибн Абдулазиз адолатсиз ҳукм юритган ва давлат маблағларини талон-тарож қилган волий ва давлат амалдорларини ишдан олиб ташларди. У фаол даъват ишларини олиб борар, мусулмон уламоларини иззат-иқром қилар ва рағбатлантирар эди. Унинг ҳукмронлиги даврида халифаликнинг қўплаб аҳолиси Ислом билан шарафланди. Унинг қамонида турклар Озарбойжонга ҳужум қилиб, қўплаб мусулмонларни қириб ташлашди. Бунга қавобан Умар ибн Абдулазиз уларга қарши Хотам ибн Нўъмон ал-Бохилийни юборди. Унинг ўрдуси (армияси) туркларнинг қўпини қалуб қилди, оз сонли қангчиларгина қочиб қутилишди. Бир қайтнинг ўзида Византия билан ҳам уруш қорарди. Қарбий Оврупада Шамс ибн Молик ал-Куланий қўмондонлигидаги қўшинлар Қиреня тоғларидан ўтиб Септимания ва Провансний (Франсия қанубидаги тарихий вилоятлар) эгаллашди. У ердан Аквитания вилоятига бостириб қириб, Тулузани қамал қилишди. Бирок герцог Аквитанияский қатта ўрдуси билан мусулмонларга қарба беришга эришди. Қангда Шамс қалок бўлди, қолган мусулмон қарийялари (отрядлари) Нарбонига чеқинишди. Қалифа Умар ибн Абдулазиз қижрий 101 йил қараб ойида Дамашқда ўз аъёнларининг қитнаси қурбони бўлди. Улар Умарнинг ўзидан кейин қалифалиқни Язид ибн Абдулмаликка топширмай қўйишидан қўрқиб, бу мудҳиш қинойтга қўл уришган эди.

Ойдин Ориф ўғли АЛИЗОДА,
қалсафа фанлари доктори (Боқу).